

Бақара сураси, 92-оят

08:20 / 18.10.2017 3353

Батаҳқиқ, Мусо сизларга очиқ-ойдин мўъжизалар ила келди. Сўнгра, шундан кейин ҳам золим бўлган ҳолингизда бузоқни (илоҳ) тутдингиз. Бақара 92.

Ушбу оятда Бану Исроилнинг даъвоси ёлғон эканига энг катта далил келмоқда. Мусо алайҳиссалом уларга келган биринчи ва энг катта, азийматли пайғамбардирлар. Уларни Фиръавннинг зулмидан қутқарган шахс ҳам шу кишидир. Айтиш чоғда, Аллоҳ таоло у зотни ҳақиқий пайғамбар эканларини тасдиқловчи кўпгина равшан мўъжизалар билан юборди. Шуларни кўра-била туриб, Мусо алайҳиссалом Тур тоғига Аллоҳ билан роз айтишгани кетганларида, улар ўзларига бузоқни худо деб тутдилар. Бу эса ниҳоятда катта зулм эди. Шундай ишни қилган қавмнинг «Биз ўзимизга тушган нарсага иймон келтирамыз» деган даъвосига ишониб бўладими?!